



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 26 » may

№ 324

Toshkent sh.

### 2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

2021 йил 22-24 апрель кунлари Навоий шаҳрида кон-металлургия, кимё саноати, қурилиш материаллари ва электр энергетикаси соҳаларидағи йирик тармоқ ташкилотлари, шунингдек, республиканинг барча ҳудудларидан ушбу тармоқлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар иштирокида тармоқлараро саноат ярмаркаси муваффақиятли ўтказилди.

Ушбу ярмаркада қиймати **375,8** млрд сўмлик жами **996** та саноат кооперацияси шартномалари ва **268** та техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш меморандумлари имзоланди.

Шунингдек, жорий йилнинг 29-30 апрель кунлари Хоразм вилоятида “Худудлар ва тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш” кўргазмаси ўтказилиб, қиймати **70,3** млрд сўмлик **289** та шартномалар ҳамда **20** турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган **42** та меморандумлар имзоланиши таъминланди.

Тармоқлараро саноат ярмаркалари доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан республикадаги йирик саноат ташкилотлари ўртасида тармоқлараро саноат кооперацияси алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг **2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини қўйидаги икки босқичда ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъкуллансин:**

**I босқич – 2021 йилнинг май-октябрь ойларида республика ҳудудларида йирик саноат ташкилотларининг ихтисослашуви асосида ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш;**

**II босқич – 2021 йилнинг 22–28 ноябрь кунлари 2022 йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш бўйича республика тармоқлараро саноат ярмаркасини ўтказиш.**

## 2. Куйидагилар:

ярмарка ўтказиладиган ҳудудларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашуви асосида йирик саноат ташкилотлари, бошқа ҳудудлардан таклиф этиладиган иқтисодиёт тармоқлари ташкилотлари, шунингдек, йирик саноат ташкилотлари учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш истагини билдирган республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркасида иштирок этиши;

маҳсулот харид қилиш бўйича шартномаларни шакллантириш билан бирга **йирик саноат ташкилотлари** томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ярмарка доирасида техник жиҳатдан **ҳамкорлик қилиш меморандумини** тузиши, маҳсулотни ўзлаштириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиши, ҳамкорларига техник шартларни бериши, техник ҳужжатлар ва чизмаларни биргаликда ишлаб чиқиши, шунингдек, маҳсулот намуналарини ишлаб чиқариши, уларни синовдан ўтказиши, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошлаши ва уларни сотиб олиш бўйича битимлар тузиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва уларни бажариш муддатлари белгилаб олиниши;

**худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш** харажатлари ушбу ярмаркаларни ташкил этувчи ҳамда уларда иштирок этувчи томонларнинг ўз маблағлари ҳисобидан мустақил равища амалга оширилиши инобатга олинсин.

## 3. Куйидагилар:

**2021 йилда худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш режа-жадвали 1-иловага мувофиқ;**

**2021 йилда республика тармоқлараро саноат ярмаркасини** ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гурӯҳ таркиби 2-иловага мувофиқ;

**2021 йилда худудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини** ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гурӯҳнинг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ;

**2021 йилда худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини** ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларига сифатли тайёргарлик кўриш ва уларнинг ўз муддатида ўтказилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари **худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказишида:**

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида узоқ муддатли **барқарор кооперация алоқалари ўрнатилиши**, маҳаллий хомашё ва саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш иштирокчилари ва лойиҳалари сонини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини саноат кооперациясига кенг жалб этишга;

худудий тармоқлараро саноат ярмаркаларида **2021–2022 йилларда маҳсулот харид қилиш бўйича шартномалар** тузилиши, шунингдек, илгари импорт қилинган маҳсулотларни ўзлаштиришда техник ҳамкорлик қилиш меморандумлари шакллантирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бутловчи қисмлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузилишига;

янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини жойлаштириш масалаларида, шу жумладан, **кичик саноат зоналари ва эркин иқтисодий зоналар ҳудудида** (ишлаб чиқариш йўналиши бўйича) ер майдонлари ажратилишига **кўмаклашсинлар**.

6. Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари **худудий саноат ярмаркалари ихтисослашувига мувоғиқ** тармоқлардаги йирик саноат ташкилотлари билан биргаликда:

худудий йирик саноат ташкилотлари томонидан фойдаланиладиган **хомашёлар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуна ва тайёр маҳсулотлар рўйхати тўғрисида** электрон маълумотлар, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш истагини билдирган салоҳиятли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркалари ўтказилишидан камида **бир ҳафта** олдин етказилиши таъминлансан;

худудий тармоқлараро саноат ярмаркалари доирасида техник ҳамкорлик қилиш меморандумларини, шу жумладан, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар бўйича муҳандислик-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиша кўмаклашиш, шунингдек, мақсадли сифат кўрсаткичларига эришиш юзасидан амалий чоралар кўрсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда улар муассислигидаги 50 фоиз ва ундан ортиқ улушга эга бўлган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда – давлат улуши бўлган корхоналар) билан биргаликда **Электрон кооперация порталарида жорий этилган тизим орқали:**

маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ўзлаштириладиган маҳсулотлар техник ҳамкорлик қилиш меморандумларида келтирилган сифат ва нарх қўрсаткичлари асосида тегишли **шартномалар тузилишига**;

худудий тармоқлараро саноат ярмаркалари доирасида тузилган техник ҳамкорлик қилиш меморандумлари асосида импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан **ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш иқтисодий самарадорлигидан** келиб чиқиб, **икки йил ва ундан ортиқ** муддатга шартномалар тузилишига кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 305-моддасига асосан ушбу кодекс 294-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандида кўрсатилган юридик шахсларнинг солиқ базасини аниқлашда ушбу шахсларнинг жами даромадидан даромад олиш билан боғлиқ барча асосланган харажатлари чегириб ташланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўртасида ўтказилган тармоқлараро саноат ярмаркаларида имзоланган техник ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумларга мувофиқ синов учун тақдим этиладиган маҳсулотларнинг тажриба намуналари (тўплами), агар улар қайта кўриб чиқиши (қайта ишлаш) учун қайтарилса, унда қайта кўриб чиқиши харажатлари фойда солиғини ҳисоблашда асосланган харажатлар сифатида инобатга олинсин.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда **республика тармоқлараро саноат ярмаркасида** илмий-тадқиқот муассасаларининг янги технологиялари ва ишлаб чиқариш лойиха таклифлари, шунингдек, талаб юқори бўлган маҳсулотлар бўйича кооперация алоқаларини ривожлантириш тўғрисидаги тақдимотлари билан иштирок этишларини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари билан биргаликда **худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини** оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идораларни жалб этган ҳолда, **худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркалари** ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби, ёнғин хавфсизлиги ҳамда карантин қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринbosари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Ў. Умурзаков зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “ 26 ” майдаги 324 -сон қарорига  
1-илова

**2021 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш  
РЕЖА-ЖАДВАЛИ**

T/р	Ҳудуд номи	Саноат ярмаркасининг иҳтинослашуви	Ўтказиш муддати
<b>I. Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси</b>			
1.	Бухоро вилояти	Қурилиш материаллари, тўқимачилик, нефть ва газ саноати, сайёхлик саноати учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда қоракўлчилик соҳаси	Май
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	Табиий ва минерал ресурсларни чукур қайта ишилаш, нефть-кимё саноати	Июнь
3.	Андижон вилояти	Автомобилсозлик ва тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника саноати	Июнь
4.	Жиззах вилояти	Фармацевтика, автомобилсозлик, электротехника ва озиқ-овқат саноати	Июль
5.	Фарғона вилояти	Туризм соҳаси учун тўқимачилик ва ипакни қайта ишилаш, чарм-пойабзal, мебелсозлик, нефть ва газ саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Июль
6.	Сирдарё вилояти	Энергетика, электротехника, қурилиш материаллари, металл прокати ва металл буюмлари ишлаб чиқариш	Август
7.	Тошкент вилояти	Қишлоқ хўжалиги техникаси, қора металлургия, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	Август
8.	Қашқадарё вилояти	Нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, кимё саноати, чарм- пойабзal саноати	Сентябрь
9.	Сурхондарё вилояти	Қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайta ишилаш, доривор ўсимликларни қайta ишилаш, транспорт ва логистика соҳалари	Сентябрь
10.	Наманган вилояти	Тўқимачилик, чарм-пойабзal, озиқ-овқат ва мебелсозлик саноати	Октябрь
11.	Самарқанд вилояти	Туризм, гастрономик туризм, озиқ-овқат саноати, мебелсозлик ва электротехника саноати ҳамда гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Октябрь
<b>II. Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси</b>			
12.	Тошкент шаҳри	2022 йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш	Ноябрь

**Изоҳ.** Ииҳчи гуруҳига ҳудудий саноат ярмаркаларининг иқтисодий иҳтинослашувига ўзгартириши киритилиши ярмарканни ўтказилиши ойининг аниқ саналарини белгилаш ҳуқуқи берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “**26**” майдаги **324** -сон қарорига  
2-илова

**2021 йилда республика тармоқлараро саноат ярмаркасини  
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гурӯх  
ТАРКИБИ**

1. С.Ў. Умурзаков – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, *Ишчи гурӯхи раҳбари*
2. А.Р. Жуманазаров – Вазирлар Маҳкамасининг Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи ўринбосари, *Ишчи гурӯхи раҳбари ўринбосари*
3. Д.Н. Саттаров – “Ўзстандарт” агентлиги бош директори
4. Б.К. Абдиназаров – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари
5. Б.А. Раҳимов – инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари
6. А.Я. Хайдаров – молия вазири ўринбосари
7. Ж.Т. Махсудов – ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари
8. Д.С. Касимов – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил
9. А.И. Икрамов – Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
10. С.З. Мирзаев – Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти
11. С.О. Усмонов – Вазирлар Маҳкамасининг Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бош мутахассиси
12. Ф.Хўжамқулов – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Электрон кооперация маркази директори, *Ишчи гурӯхи котиби*

**Изоҳ.** *Ишчи гурӯхи аъзолари бошқа ишига ўтганда, унинг таркибига ушибу лавозимларга янги тайинланган ёки з иммасига тегишили функцияларни бажарии юклатилган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “**26**” майдаги **324** -сон қарорига  
3-илова

**2021 йилда ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини  
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гурухнинг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, *Ишчи гуруҳи раҳбари*
2. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари, *Ишчи гуруҳи раҳбари ўринbosari*
3. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosari
4. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринbosari – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи
5. Лавозимига кўра – Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
6. Лавозимига кўра – “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий филиали бошлиғи
7. Келишув асосида – ҳудудлардаги йирик саноат ташкилотлари раҳбарлари

**Изоҳ.** Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушибу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарии юклатилган шахслар киритилади.

Вазирлар Мажкамасининг  
2021 йил “**26**” майдаги **324** -сон қарорига  
4-илова

**2021 йилда худудий ва республика тармоқларо саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

T/p	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
<b>Худудий тармоқларо саноат ярмаркалари</b>			
1.	Худудий тармоқларо саноат ярмаркаларида (кейинги ўринларда – саноат ярмаркалари) қатнашиш учун ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини хабардор килиш ва жалб этиш.	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Миллий телерадиокомпания (Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ходжаев), вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари	Ярмаркани ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан бир ой олдин
2.	Саноат ярмаркаси иштирокчилари рўйхатини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан намойиш этиладиган янги турдаги маҳсулотларни, шунингдек, йирик саноат ташкилотлари томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар (хомашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, ускуна ва материаллар) рўйхатини шакллантириш ҳамда электрон кооперация портали ( <i>cooperation.uz</i> ) орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказиш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Савдо-саноат палатаси (Икрамов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	Ярмаркани ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан бир ой олдин
3.	Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан саноат ярмаркаларида намойиш қилиниши таклиф этилаётган янги турдаги маҳсулотларнинг дастлабки рўйхатини ишлаб чиқиши.	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	Ярмаркани ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан бир ой олдин

T/р	Амалга оширилладиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
4.	<p>Республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни саноат ярмаркаларида намойиш этиш учун электрон кооперация порталига (<a href="http://cooperation.uz">cooperation.uz</a>) тегишли маълумотларни жойлаштириш.</p> <p>Бунда, йирик саноат ташкилотлари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш меморандумини тузиши, маҳсулотни ўзлаштириш бўйича “йўл харитаси” қабул қилиши ва ҳамкорлик доирасида йирик саноат ташкилотлари томонидан техник шартларни берилишини электрон кооперация портали орқали амалга ошириш.</p>	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Давлат статистика қўмитаси (Бегалов), Давлат солиқ қўмитаси (Кудбиев), “Ўзстандарт” агентлиги (Саттаров), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	Худудий ярмаркалар доирасида
5.	Кўргазма стендлари макетларини, тадбир дастурини, саноат ярмаркалари очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийларини, саноат ташкилотлари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тақдимотлари жадвалини ишлаб чиқиши.	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мутасадди вазирлик ва идоралар	Ярмаркани ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ўн кун олдин
6.	<p>Худудий саноат ярмаркалари иштирокчилари стендларини жойлаштириш ҳамда дизайнини ишлаб чиқишида “Ўзэкспомарказ” АЖ билан ҳамкорликда амалий чоралар кўриш.</p> <p>Бунда, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар таркибини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган ва ўзлаштириладиган ҳамда ишлаб чиқарилиши тавсия этиладиган маҳсулотларни кўргазмали намойиш этишга алоҳида эътибор бериш.</p>	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мутасадди вазирлик ва идоралар	Худудий ярмаркалар доирасида
7.	Хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотларининг келгуси давр учун хомашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, ускуна ва материалларга бўлган эҳтиёжини ишлаб чиқиш, саноат ярмаркалари иштирокчилари учун ишлаб чиқариш фаолиятида талаб этиладиган маҳсулотлар тўғрисида тақдимотлар ўтказилишини ҳамда электрон кооперация порталида ёритиб борилишини таъминлаш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	Худудий ярмаркалар доирасида

<b>T/p</b>	<b>Амалга ошириладиган чора-тадбирлар</b>	<b>Масъуллар</b>	<b>Ижро муддатлари</b>
8.	Саноат ярмаркасини юқори даражада ўтказилишини таъминлаш мақсадида ярмарка худудини ҳамда конференция ўтказиш жойини тайёrlаш ва безаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мутасадди вазирлик ва идоралар	Худудий ярмаркалар доирасида
9.	Саноат ярмаркаси иштирокчилари учун стендларни ўрнатиш ва лойиҳалаш ишларини якунлаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров)	Ярмаркани ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан тўрт кун олдин
10.	Саноат ярмаркаси давомида электрон кооперация портали (cooperation.uz) орқали маҳсулотларни харид килиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандумлар тузиш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	Худудий ярмаркалар доирасида
11.	Саноат кооперацияси бўйича тузилган шартномалар миқдори, ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар турлари, янги юқори технологик маҳсулотлар ва инновацион ишланмалар ва бошқалар бўйича энг яхши натижаларга эришган худудий тармоқлараро саноат ярмаркаси иштирокчиларини рағбатлантириш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров)	Худудий ярмаркалар якуни билан
12.	Янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши. Шунингдек, саноат ярмаркаси якунлари бўйича бажарилган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида маълумот тақдим этиш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда	Худудий ярмаркалар якуни билан
13.	Саноат ярмаркаси ташкилий Ишчи гурухининг йиғилишини ташкил этиш. Йиғилишда саноат ярмаркаси натижаларини, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ишларини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорликка эришиш чора-тадбирларини белгилаб олиш.	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Савдо-саноат палатаси (Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	Худудий ярмаркалар якуни билан уч кун муддатда

T/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
<b>Ташкилотлар ўргасида кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириб бориш, ушбу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини фаоллаштириш таклифларини тайёрлаш</b>			
14.	<p>Худудий ва тармок ташкилотлари томонидан электрон кооперация порталида (<a href="http://www.cooperation.uz">www.cooperation.uz</a>) маълумотларни жойлаштириш ва доимий янгиланишини таъминлаш,</p> <p>хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар;</li> <li>ўзлаштириладиган янги турдаги маҳсулотлар;</li> <li>барқарор талабга эга ҳамда ривожланиши истиқболли бўлган ташкилотлар импорт товарлари;</li> <li>ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда масъул бўлган раҳбарлар тўғрисидаги маълумотларни (шахснинг алоқа маълумотлари ва ҳ.к.).</li> </ul>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари</p>	Доимий
15.	<p>Саноат ярмаркалари натижалари бўйича саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича таклифларни инвентаризация қилиш, саноат кооперацияси учун маҳсулот етказиб бериш шартномалари реестрини, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш меморандумларини шакллантириш.</p> <p>Тайёрланган маълумотларни Ишчи гурухига киритиш.</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов) Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари</p>	<p>Худудий ярмаркалар доирасида</p> <p>Худудий ярмаркалар якуни билан</p>
16.	<p>Саноат ярмаркаси доирасида импорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг турларини ишлаб чиқариш кооперацияси, шу жумладан, инвентаризация натижаларига кўра кичик корхоналарни жалб қилиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиши.</p> <p>Тайёрланган маълумотларни Ишчи гурухига киритиш.</p>	<p>Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари</p>	<p>Худудий ярмаркалар доирасида</p> <p>Худудий ярмаркалар якуни билан</p>
17.	<p>Ишлаб чиқариш кувватлари ва технологик қайта тақсимотлардан самарали фойдаланиш асосида кичик корхоналар имкониятларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни ташкил этиши.</p> <p>Тайёрланган тақлиф ва маълумотларни Ишчи гурухига киритиш.</p>	<p>Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Савдо-саноат палатаси (Икрамов)</p>	<p>Худудий ярмаркалар доирасида</p> <p>Худудий ярмаркалар якуни билан</p>

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
18.	Саноат ва худудий корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларини ишлаб чиқарилиши таклиф этилаётган импорт ўрнини босувчи хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар тўғрисида маълумотлар билан танишириш, шунингдек, ушбу маълумотларни электрон кооперация порталидаги виртуал кўргазмаларда жойлаштириш (cooperation.uz).	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	2021 йил май-декабрь ойларида
19.	Импорт таркиби ва ички бозор эҳтиёжлари таҳлили асосида ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш тавсия этилаётган маҳсулотларга буюртмалар бериш.	Хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	Худудий ярмаркалар доирасида
20.	Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўйидаги масалаларда ёрдам кўрсатиш:  уларга бўш бино ва иншоатларни, фойдаланилмаётган технологик ускуналарни ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун асбоб-ускуналарни ижарага бериш; ўзлаштирилаётган маҳсулотлар учун техник параметрлар ва сифат талабларини мувофиқлаштириб бориш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	Доимий
<b>Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси</b>			
21.	Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси (кейинги ўринларда – республика саноат ярмаркаси) доирасидаги таклифлар асосида кичик бизнес билан кооперация алоқаларини ривожлантиришни ўрганиш, ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жалб қилишда маҳаллий корхоналар ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.  Ихтисослашган ташкилотларнинг республика саноат ярмаркасида янги алоқалар ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш доирасида янги технологиялар ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини, шунингдек, талаб этиладиган маҳсулотлар бўйича таклифларни тақдим этиш.	Хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналари, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари  Инновацион ривожлантириш вазирлиги (Абдураҳмонов), Фанлар академияси (Юлдашев)	2021 йил октябрь

T/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
22.	Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш тадбирлари асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот техник параметрлари ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш ечимини ишлаб чиқиши.	Хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналари, “Ўзстандарт” агентлиги (Саттаров), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари	Республика тармоқлараро саноат ярмаркасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида
23.	Саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш бўйича электрон кооперация порталаида тузилган шартномаларнинг дастлабки реестрини шакллантириши.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	2021 йил 22-28 ноябрь
24.	Республика саноат ярмаркаси иштирокчиларига таклифномалар ва бошқа керакли материалларни тарқатиши.	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Савдо-саноат палатаси (Икрамов)	2021 йил 1 ноябрь
25.	Ариза бериш, стендлар эскиzlари билан танишиш, ярмаркада таклиф этиладиганлар рўйхати, шунингдек, ярмарка иштирокчисининг янги ва намойиш этилаётган маҳсулоти номенклатурасини электрон кооперация портали (cooperation.uz) орқали онлайн рўйхатдан ўтказиш тизимини ишга тушириши.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	2021 йил 1 ноябрь
26.	Стендларни лойиҳалаш ва жойлаштиришни тармоқлараро саноат ярмаркаси иштирокчилари билан келишиш.	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари	2021 йил 15 ноябрь
27.	Республика саноат ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида маҳсулотларни етказиб беришнинг прогноз параметрларини аниқлаш ва тармоқлараро саноат ярмаркасининг ташкилий Ишчи гурухига тасдиқлаш учун тақдим этиши.	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Савдо-саноат палатаси (Икрамов), хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	2021 йил 20 ноябрь
28.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини таъминлаш мақсадида ихтисослашган корхоналар сонидан келиб чиқиб, рўйхатга киритиладиган маҳсулотларни танлаш.	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Савдо-саноат палатаси (Икрамов)	2021 йил 1 ноябрь

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
29.	Республика саноат ярмаркасини ўтказиш дастурини тайёрлаш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Савдо-саноат палатаси (Икрамов)	2021 йил 10 ноябрь
30.	Ушбу тармок ярмаркасига тайёргарликни кўриб чиқиш, тадбир дастурини, иштирокчилар рўйхатини, макетини, кутилаётган натижаларини ва бошқаларни келишиб олиш учун тармоклараро саноат ярмаркаси ташкилий Ишчи гурӯхининг йиғилишларини ўтказиш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Савдо-саноат палатаси (Икрамов)	2021 йил октябрь – ноябрь ойларида
31.	Фахрий меҳмонларни тақлиф қилиш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров)	2021 йил 1 ноябрь
32.	Республика саноат ярмаркаси иштирокчилари стендларини ўрнатиш ва лойиҳалаш ишларини яқунлаш.	Хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналари, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), “Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев)	2021 йил 20 ноябрь
33.	Республика саноат ярмаркасида маҳаллий корхоналари томонидан ишлаб чиқарилиши тавсия этилган маҳсулотлар рўйхати ва илғор хорижий технологиялар тақдимоти асосида стенд ташкил этиш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), “Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев)	2021 йил 20 ноябрь
34.	Тегишли стендлар дизайнни ва ярмарка иштирокчиларига стандартлаштириш, сертификатлаш, молиявий хизматлар бўйича маслаҳатлар бериш.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев), “Ўзстандарт” агентлиги, тижорат банклари, сугурта ва лизинг компаниялари	Ярмарка доирасида
35.	Электрон кооперация порталаида ярмарка доирасида тузилган шартномалар ҳажми ва соҳалар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлаш.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	2021 йил 22-27 ноябрь

Т/п	Амалга оширилдиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
<b>Асосий тадбирлар учун жойларни тайёрлаш</b>			
36.	Республика саноат ярмаркаси тадбирларини ўтказиш учун ярмарка худудини, павильонларни, конференциялар ўтказиш хонасини тайёрлаш ва безаш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), “Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев)	2021 йил 20 ноябрь
37.	Электр таъминоти, захирадаги ёритиш ускуналари, кондиционер, алоқа ва телекоммуникация тизимлари ҳамда кўргазма мажмуаси ва конференциялар залини тайёрлаш.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев)	2021 йил 20 ноябрь
38.	Кўргазма мажмуаси ташқи худудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев)	2021 йил 20 ноябрь
39.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ худудида республика саноат ярмаркаси ўтказиладиган жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев), Ички ишлар вазирлиги	2021 йил 22-27 ноябрь
40.	Республика саноат ярмаркасини ўтказиш штабини ташкил этиш, тақдимотни ўтказиш, шартномалар ва матбуот марказини электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, ярмаркани очилиш ва ёпилиш маросимлари учун зарур асбоб-ускуналар (овоз кучайтиргич аппаратураси, кенг форматли мониторлар ва проекторлар) билан таъминлаш ҳамда тадбир давомида тақдимотлар ўтказиш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Савдо-саноат палатаси (Икрамов), “Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев)	2021 йил 22-27 ноябрь
41.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МККнинг барча павильонларида тақдимотларни намойиш этиш ва жонли эфирга узатишни таъминлаш.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Рахимов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Махсудов), “Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев)	Ярмарка давомида
42.	Республика саноат ярмаркаси ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини саклаш.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев), Ички ишлар вазирлиги	Доимий

Т/п	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
<b>Реклама кампанияси, оммавий ахборот воситаларида республика тармоқлараро саноат ярмаркасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида ахборотларни кенг жамоатчиликга етказиши</b>			
43.	Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари расмий веб-сайтларда, шунингдек, электрон кооперация порталаида ( <a href="http://cooperation.uz">cooperation.uz</a> ) республика тармоқлараро саноат ярмаркаси ҳақидаги рекламаларни жойлаштириш.	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотлари	2021 йил 15 ноябрь
44.	Республика саноат ярмаркаси ўтказилиши ҳақида аудио ва видео форматда реклама лавҳасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни марказий телевидение ва радио каналларда ёритиб бориши.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ходжаев), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Ходжаев)	2021 йил октябрь-ноябрь ойларида
45.	Республика ва худудий саноат ярмаркаси режалаштирилган тадбирлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, марказий ва худудий босмахоналар ҳамда оммавий ахборот воситалари (навбатдаги сонида), шунингдек, радио ва телерадиоканалларда (кундалик) рекламаларни жойлаштириш.	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	2021 йил июнь-октябрь 2021 йил 20 ноябрь
46.	Республика саноат ярмаркаси тадбирлари, уларни амалга оширишнинг мақсад ва вазифалари, кооперация алоқаларини ривожлантириш бўйича корхоналар тажрибаси ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиши.	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Ярмаркани ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатларда
47.	Республика саноат ярмаркаси тадбирини реклама килувчи баннерларни ишлаб чиқиши.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев)	2021 йил 1 ноябрь
48.	Республика саноат ярмаркаси ўтказилиши ҳақида реклама баннерларини чоп этиш ва жойлаштириши.	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги (Рахимов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги (Абдиназаров)	2021 йил 5-18 ноябрь

T/p	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддатлари
49.	Тошкент шахри ва вилоятлар марказларининг марказий кўчалардаги электрон мониторларда республика саноат ярмараси хақида тайёрланган реклама роликларини кўрсатиб бориш.	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари	2021 йил 15-28 ноябрь
50.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ ҳудудида хуш келибсиз ва бошқа тадбирга оид баннерларни чоп этиш ҳамда жойлаштириш.	“Ўзэкспомарказ” АЖ МКМ (Юлдашев)	2021 йил 15 ноябрь

